

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ РЎD.03/30.06.2021.В.05.06
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОКЕЛДИЕВА ЛОБАР АБДУСАМАТОВНА

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТОҚ АГРОЦЕНОЗЛАРИДА
УЧРОВЧИ ФИТОНЕМАТОДАЛАРНИНГ
ЭКОЛОГО-ФАУНИСТИК ТАҲЛИЛИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РЎD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бобокелдиева Лобар Абдусаматовна

Сурхондарё вилояти тоқ агроценозларида учровчи фитонематодаларнинг
эколого-фаунистик таҳлили.....3

Бобокелдиева Лобар Абдусаматовна

Эколого-фаунистический анализ фитонематод виноградных агроценозов
Сурхандарьинской области.....21

Bobokeldiyeva Lobar Abdusamatovna

Eco - faunal analysis of phytonematodes appeared in vine agrocenoses of
Surkhandarya region.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.06.2021.V.05.06
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОКЕЛДИЕВА ЛОБАР АБДУСАМАТОВНА

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТОҚ АГРОЦЕИОЗЛАРИДА
УЧРОВЧИ ФИТОНЕМАТОДАЛАРНИНГ
ЭКОЛОГО-ФАУНИСТИК ТАҲЛИЛИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2022

Биология фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/В360 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб – саҳифасида (www.zoology.uz) ҳамда «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хуррамов Алишер Шукурович
биология фанлари доктори, доцент

Расмий оponentлар:

Эшова Ҳолиса Саидовна
биология фанлари доктори, доцент

Ғаниев Комолиддин Халилович
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:


Тошкент давлат педагогика университети


Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.06.2021.В.05.06 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «16» 03 кунли соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 712000, Фарғона ш., Мураббийлар кучаси, 19 уй. Тел.: (+99873) 244-29-71; факс (+99873) 244-44-93; E-mail: fardu_info@umail.uz)


Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№167 рақами билан рўйхатга олинган. Манзил: 712000, Фарғона ш., Мураббийлар кучаси, 19 уй. Тел.: (99873) 244-29-71.)

Диссертация автореферати 2022 йил «4» 03 кунли тарқатилди.
(2022 йил «4» 03 1 - рақамли реестр баённомаси)




Н.И. Зокиров
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., доцент


Ш.Қ. Юлдашева
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., доцент


А.К. Хусанов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблигн ва зарурати. Дунёда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришини кенгайтириш, экинлар хавфсизлигини, хусусан турли зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишни таъминлаш, уларга сезиларли даражада зарар келтирувчи организмларни аниқлаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Айниқса, озик-овқат маҳсулдорлиги юқори бўлган, сифатли ва экспортбоп мева маҳсулотларига бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Уруғ мевали боғларга хавfli зараркунандалар таъсири натижасида маҳсулот экспортбоплиги, сифати ва ҳосилдорлиги пасайиб, мева маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликларга иқтисодий жиҳатдан зарар келтирмоқда. Шунга кўра, ҳосилдорликнинг кескин пасайиб кетиши ёки олинган ҳосилнинг истемол талабларига жавоб бера олмайдиган ҳолатга келиб қолишига сабаб бўлувчи фитонематодаларнинг фаунистик комплексини аниқлаш, ўсимлик вегетациясининг турли даврларида фитонематодалар популяция зичлигини таҳлил қилиш ҳамда фитопаразит доминант турларнинг биологик хусусиятларини ўрганиш асосида уларга қарши истиқболли кураш чораларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга касб этади.

Жаҳон миқёсида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда зараркунандаларга қарши кураш бўйича кенг қўламли изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, паразит нематодаларнинг мевали дарахтлар, турли маданий ценозлар, жумладан, ток агроценозларига ҳам салбий таъсирига доир тадқиқотлар қамрови кенгайиб бормоқда. Натижада уларнинг турли тупроқ иқлим шароитида яшовчанлик хусусиятлари очиб берилмоқда. Бу ўринда, мевали боғларни барпо этишда фитонематодалар фаунасини тадқиқ этиш, ўсимликда юзага келган касалликларни аниқлаш, зарарланиш даражасини баҳолаш ҳамда фитопатогенларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Республикамызда боғ агроценозларида учровчи зараркунандалар, жумладан фитонематодаларнинг тур таркибини аниқлаш ҳамда зарарли турларига қарши курашиш чора тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, ҳудудлар кесимида ток агроценозлари фитогельминтлар фаунаси инвентаризация қилинди, паразит турларига қарши кураш чоралари такомиллаштирилди. Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида¹ «...касаллик ва зараркунандаларга ҳамда курғоқчиликка чидамли мева, узум ва резаворларнинг янги навларини яратиш» каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, ток агроценозлари фитонематодаларининг фаунистик комплексини аниқлаш, ток агроценозларида учровчи паразит фитонематода турларининг тарқалишини таҳлил қилиш, фитонематодаларнинг анатоми-морфологик хусусиятларини очиб бериш

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони.

ҳамда ток ўсимлигида қайд этилган паразит фитонематодаларга қарши уйғунлашган кураш усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4861-сон «Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 258-сон «Сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжалиklarининг ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ток агроценозлари фитонематодалар фаунаси, систематик таркиби, паразит турлар, уларнинг ўсимликларга зарари ва уларга қарши кураш чоралари, фитонематодалар популяциясининг биотик ҳамда абиотик факторларга муносабати, фитонематодаларнинг морфо-анатомик тузилиши тўғрисида манбалар хорижлик олимлардан: Е.С.Кирьянова (1969), В.Д.Мигунова, Б.А.Бызов, Д.Г.Звягинцев, Н.Д.Романенко (2003), Н.Д.Романенко, Д.А.Карапетян, В.Д.Мигунова (1998), К.В.Акопян (1991; 2007), В.С.Guevava (1994), Gokte Nandini, V.K.Mathur (1995), M.Edwards (1991), M.Ivezia, F.Lamberti (1995), R.M.Lemos, I.M.Abrantes (1992), R.M.Lemos, M.S.N.Almeida Santos de, I.M.Oliveira Abrantes (1995), Polinkovsky Alex (1995), L.Rahman, H.Creedy, B.Orchard (2008), Hashem Mohamed, A.M.M.Omran Yasser, M.A.Sallam Nashwa (2008), S.A.Walters, K.R.Barker (1994) ва бошқа олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда ток агроценозлари фитогельминтларига оид маълумотлар А.Т.Тўлаганов (1977) ва бошқалар (Э.П.Азизова, Н.Х.Жураева (2005), Э.П.Азизова, А.З.Усманова (1991), Ю.Джавакянц, В.Горбач (2001)) нинг тадқиқот ишларида акс эттирилган.

Бирок, юкорида келтириб ўтилган тахлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон, хусусан, Сурхондарё вилояти шароитида ток агроценозларида учровчи фитонематодалар фаунаси, популяцияси, экологияси ва таксономиясини комплекс ўрганишга доир кенг қўламли тадқиқотлар амалга оширилмаган. Шунга кўра, фитонематодалар фаунасининг тур таркиби ва таксономик структурасини аниқлаш ҳамда паразит турларига қарши атроф-муҳит учун экологик безарар кураш усулларини амалиётга тадбиқ этиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-ОТ-2021-61 сонли “Сурхондарё вилояти мисолида паразит фитонематодаларнинг зарарини баҳолаш ва уларнинг агроценозлардаги популяциясини бошқаришда биологик қарши кураш методларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ток агроценозлари фитонематодаларининг фаунистик комплексини аниқлаш ҳамда фитопаразит доминант турларни биоэкологик хусусиятларини очиб бериш асосида уларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Сурхондарё вилояти ток агроценозлари фитонематодаларининг фаунистик комплексини аниқлаш;

ток илдизи ва илдиз олди тупроқларида аниқланган фитонематодаларни таксономик ҳамда экологик таҳлил қилиш;

ток вегетацияси даврида фитонематодаларнинг синдинамикаси ва аутдинамикасини очиб бериш;

паразит фитонематодаларнинг доминант турларини аниқлаш ва уларнинг биологик хусусиятларини изоҳлаш;

ток агроценозларида учровчи паразит фитонематодаларнинг тарқалишини асослаш, уларнинг анатомо-морфологик хусусиятларини тавсифлаш;

ток ўсимлигида қайд этилган паразит фитонематодаларга қарши уйғунлашган кураш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сурхондарё вилояти ток агроценозлари фитонематодалари комплекси ҳамда уларга қарши курашда кимёвий нематцид препаратлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини ток илдизи ва илдиз олди тупроқларида топилган фитонематодаларнинг эколого-фаунистик таҳлили ва паразит турларини тадқиқ қилишни ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда зоологик, ва фитогельминтологик, морфометрик, статистик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Сурхондарё вилояти ток ўсимлиги ва унинг илдиз олди тупроғида тарқалган фитонематодаларнинг замонавий ҳолати таҳлил қилиниб, 118 тур фитонематодалар аниқланган;

илк бор ток агроценозлари нематодалар фаунаси учун 45 тур нематодалар аниқланган;

фитонематодаларнинг экологик гуруҳлари ва уларнинг ўсимликлар билан трофик алоқалари очиб берилган;

ўсимликларнинг вегетация даврида фитонематодалар популяция динамикасининг мавсумий ўзгаришлари асосланган;

ток агроценозларида учровчи паразит фитонематодаларга қарши уйғунлашган кураш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ток ўсимлигида юзага келиши мумкин бўлган фитонематодоз касалликларига қарши самарали кураш усулларида фойдаланган ҳолда, касалликларни олдини олиш чоралари ишлаб чиқилган;

ток агроценози паразит фитонематодаларига қарши самарали кураш чораларини қўллаш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги классик ва замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ҳамда илмий ёндашувлар, таҳлиллар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, морфометрик маълумотларни Biostat дастурида статистик таҳлил қилинганлиги ва амалий натижаларни ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Сурхондарё вилояти ток агроценозлари фитонематодаларининг эколого-фаунистик комплексининг аниқланганлиги ва турлар хилма-хиллигининг таҳлили амалга оширилганлиги, ток ўсимлиги вегетацияси даврида фитонематодалар популяция динамикасининг мавсумий ўзгаришлари очиқ берилганлиги, нематодаларнинг эркин яшовчи ҳамда паразит шакллари экологик гуруҳларининг тавсифланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Сурхондарё вилояти ток агроценозларида учровчи фитопаразит нематодаларнинг анатомик-морфологик, экологик таърифи, экинзорларда нематодоз касалликларини ташхислаш ва эпизоотологик хусусиятлари асосида касаллик тарқалишини олдини олиш ҳамда уларга қарши истиқболли кураш чораларини ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Сурхондарё вилояти ток агроценозларида учровчи фитонематодаларнинг эколого-фаунистик таҳлили» мавзуси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Сурхондарё вилояти ток агроценозида тарқалган Нематодалар синфига тегишли 9 туркум 118 турга мансуб 315 нусха нематода намуналари республикада етакчи бўлган Зоология институти “Зоология коллекцияси” ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 30 ноябрдаги 4/1255-3350-сон маълумотномаси). Натижада, намуналар ток агроценози бўйича нематодалар фондини бойитган ва улар популяциялари тарқалишининг замонавий ҳолатини баҳолаш ҳамда фитонематодалар таксономик таркибини аниқлаш имконини берган;

ток ўсимлиги паразит фитонематодаларига қарши Видат L. 24 % препаратини қўллаш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар (50,70,90 мл/м² нормада) Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги “Шерали-Намуна”

фермер хўжалиги амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги 02/025-5014-сон маълумотномаси). Натижада, паразит фитонематодаларга нисбатан 91,4 % биологик самарадорликка эришиш имконини берган;

паразит фитонематодаларга қарши соляризация усулини қўлаш юзасидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялар (3 хил вариантда оқ ва қора плёнкалар ёрдамида ҳамда очиқ майдонда) Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги “Шерали - Намуна” фермер хўжалиги амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг 2021 йил 18 ноябрдаги 1-19/2668-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу усул паразит фитонематодаларга нисбатан қора полиэтилен плёнка ёрдамида 91,6 %, оқ полиэтилен плёнка ёрдамида эса 88,8% биологик самарадорликка эришиш ҳамда узумчилик фермер хўжаликлари ва шахсий томорқаларда ток ўсимлиги ҳосилдорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола (3 та республика ва 1 хорижий журналларда) 6 та тезис халқаро ва республика анжуманларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулосалар, ишлаб чиқаришга тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Ток агроценозлари фитонематодаларининг ўрганилганлик ҳолати”** деб номланган биринчи бобида дунё бўйлаб ток агроценозларида олиб борилган асосий нематологик тадқиқотлар ҳақида маълумот келтирилган. Ток агроценозларида олиб борилган фаунистик тадқиқотларнинг натижалари таҳлил қилиниб, асосий илмий тадқиқотлар ток ўсимлиги нематодаларининг фаунистик комплекси, шунингдек, паразит турларини ўрганишга бағишланганлиги қайд этилган. Шунингдек, ушбу бобда ток агроценозларида учровчи нематодалар фаунасининг турлар

таркиби, уларнинг биологияси, экологияси, тарқалиши, паразит турларининг патоген аҳамияти ҳамда паразит нематодаларга қарши кураш чоралари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Сурхондарёнинг ток агроценозлари фитонематодаларини ўрганишга доир тадқиқот материаллари ва услублари”га бағишланган бўлиб, бешта бўлимдан иборат. Биринчи бўлим тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг қисқача табиий-географик тавсифига бағишланган бўлиб, унда фитогельминтологик тадқиқотлар Ўзбекистоннинг жанубий қисми ҳисобланган Сурхондарё вилоятида олиб борилганлиги таъкидлаб ўтилган.

Сурхондарё вилояти Ўзбекистоннинг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, шарқдан ва шимоли – шарқдан Боботоғ ва Ҳисор тоғлари орқали Тожикистон билан чегараланиб, Чақчар ва Бойсун тоғлари орқали ўтган бўлса, ғарбдан эса Туркменистон билан чегарадош бўлиб, чегара Чақчар ва Бойсун тоғлари билан уралган. Ғарбда Туркменистон билан бўлган чегара Кўхитанг тоғининг сувайиргич қисмидан ўтади. Қиш қисқа ва илиқ. Ёзда ҳаво ҳарорати Термизда + 50° С га кўтарилганлиги кузатилади. Сурхондарё вилояти ўз навбатида Термиз-Денов, Шеробод табиий-географик районларига бўлинади.

Тадқиқотлар Бойсун, Шеробод, Ангор, Термиз тумани, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Шўрчи, Олтинсой, Денов, Сарисий туманларида олиб борилди.

Ток илдири ва илдири олди тупроғида яшовчи нематодалар турларининг микдорий динамикасини ўрганишда, ўсимликнинг турли вегетацияси даврида стационар усулдан фойдаланилди. Стационар тадқиқотлар Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги “Шерали-Намуна” фермер хўжалигида 2019-2021 йиллар давомида олиб борилди.

Тўпланган илдири ва тупроқ намуналари Термиз давлат университети “Гельминтология муаммоли лабораторияси”да таҳлил қилинди. Нематодаларни тупроқдан ва илдири тўқималаридан ажратиш олишда Берманнинг модификацияланган усулидан фойдаланилди.

Нематодаларнинг анатомик ва морфологик тузилишини ўрганиш учун формалинли эритмадан ажратиш олинган нематодалар глицерин ва спиртнинг тенг микдордаги аралашмасида ишлов берилди. Нематодаларнинг таксономик жиҳатдан тавсифлаш ва турларини аниқлаш мақсадида 1545 та вақтинчалик ва доимий препаратлар тайёрланди. Нематодаларнинг турларини аниқлашда маҳаллий ва хорижий фитогельминтологларнинг монографик асарларидан фойдаланилди.

Йиғилган илдири ва тупроқ намуналарида фитонематода турларининг доминантлик даражаси ҳар бир тур индивидлари сонининг барча нематодалар индивидлари умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида аниқланди.

Аниқланган фитонематодалар фаунаси илмий таҳлил қилиш давомида тупроқ ва илдири популяцияларида турлар сони кўп аммо индивидлар камлиги ёки аксинча, турлар сони кам бўлган популяцияларда индивидлар зичлиги юқори бўлиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, ток фитонематодалар

популяциясида турларнинг барқарорлик частотасини баҳолашда Tichler шкаласидан фойдаланилди.

Тадқиқотлар давомида олиб борилган тажриба натижаларига асосланган ҳолда фитопатоген нематодаларга қарши самарадор ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган кураш чора-тадбирларининг ташкилий-профилактик, агротехник, физикавий ва кимёвий қарши кураш чораларини қўлланилишини ўргандик.

Диссертация ишининг “**Ток агроценози нематодаларининг таксономик, фаунистик ва экологик таҳлил қилиш**” деб номланган учинчи бобида тадқиқот давомида ток агроценозларида топилган нематодларнинг таксономик, фаунистик ҳамда экологик шарҳи келтирилган.

Биз тадқиқотларимизда А.А. Параманов томонидан ишлаб чиқилган, эволюцион морфология ва экологик-морфологик таҳлил усулларига асосланган фитонематодлар системасидан фойдаландик. Ана шу асосда аниқланган фитонематода турлари иккита кенжа синф (*Adenophorea* ва *Secernenta*) га бўлиб ўрганилди.

Тадқиқот давомида ток илдизи ва илдиз олди тупроғида иккита кенжа синф, 9 та туркум, 13 та кенжа туркум, 20 та катта оила, 33 та оила, 39 та кенжа оила ва 54 авлодга мансуб 118 тур фитонематодалар аниқланди. Улар орасида ток агроценозлари нематодалар фаунаси учун 45 тур фитонематодалар илк маротоба қайд этилганлиги аниқланди.

Топилган фитонематодларнинг таксономик гуруҳлари орасида барча фитонематодлар турларининг 22,9 % ини ўз ичига олган *Tylenchida* туркуми турларининг хилма-хиллиги билан ажралиб турди. Шунингдек, *Teratocephalida* (21,2 %), *Dorylaimida* (19,5%) ва *Aphelenchida* (16,1 %) туркум вакилларининг нисбатан хилма-хиллиги қайд этилган бўлса, қолган барча туркум вакиллари кам сонда учраганлиги аниқланди.

Аниқланган фитонематод турларини экологик таҳлил қилишда биз атоқли фитогельминтолог А.А.Параманов томонидан таклиф этилган нематодаларнинг ўсимликлар ёки бошқа тупроқ организмлар билан трофик алоқасига асосланган экологик классификациядан фойдаландик. Ушбу классификацияга кўра, фитонематодалар 5 экологик гуруҳларга ажратилади. Улар паразитобионтлар-илдиз атрофида эркин яшовчи тупроқ нематодалари; зусабриобионтлар ёки хақиқий сапробионтлар-тупроқда чириётган органик қолдиқларда ҳаёт кечирувчи нематодалар; девсапробионтлар, яъни чала сапробионтлар-яшил ўсимлик ва чириётган органик қолдиқлар билан озикланадиган гуруҳлар; носпецифик, яъни касаллик келтириб чиқармайдиган потенциал паразитлар ва хақиқий фитогельминтлар-патоген таъсирга эга бўлган, касаллик келтириб чиқарадиган паразитлар.

Бизнинг материалларимизда аниқланган нематодалар экологик гуруҳларга қуйидагича тақсимланди: паразитобионтлар-29 тур (топилган барча турларнинг 24,6%), зусабриобионтлар-11 (9,3%), девсапробионтлар-29 (24,6%), махсус касаллик келтириб чиқармайдиган фитогельминтлар-30 (25,4%), хақиқий паразитлар-19 тур (16,1 %).

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, турлар сонининг кўплиги бўйича потенциал паразитлар 30 тур (25,4%) билан устунлик қилган бўлса, иккинчи ўринни девисапробионтлар-29 тур (24,6%) ва параризобионтлар-29 тур (24,6%) эгаллади, учинчи ўринни ҳақиқий паразитлар-19 тур (16,1%), ундан кейин эса зусапробионтлар-11 тур (9,3 %) эгаллайди.

Тадқиқот олиб борилган ўсимликларда қайд этилган ҳақиқий паразит турлар *Xiphinema*, *Tylenchorhynchus*, *Bitylenchus*, *Helicotylenchus*, *Rotylenchus*, *Pratylenchus*, *Pratylenchoides*, *Meloidogyne*, *Paratylenchus*, *Ditylenchus* авлодларига тегишли бўлиб, улар донли экинларнинг ҳавфли паразитларидир.

Диссертациянинг “Ток агроценозларида учровчи фитонематодалар динамикаси, фитопаразит турлар ва уларга қарши курашнинг илмий асослари” деб номланган тўртинчи бобида ток илдици ва илдиц олди тупроғида қайд этилган нематодаларнинг мавсумий динамикаси, аниқланган фитопаразит турларнинг анатомо-морфологик тавсифи, тарқалиши ва статистик тахлили, шунингдек, ток агроценозларида учровчи паразит турларга қарши кураш чора-тадбирлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот давомида ток ўсимлиги фитонематодалар фаунасининг шаклланиш қонуниятлари ва уларга таъсир қилувчи факторларни аниқлаш мақсадида ўсимлик илдици ва илдиц олди тупроғида учровчи фитонематодаларнинг синдинамикаси ўрганилди.

Олиб борилган тахлиллар натижасида, ток илдици ва илдиц олди тупроғида 54 турга мансуб фитонематодалар қайд этилди. Мазкур фитонематодаларнинг ток ўсимлиги илдици ва илдиц олди тупроғида абиотик омилларга боғлиқ ҳолда учраш динамикаси ўртасида ўзаро ўхшаш жиҳатларнинг мавжудлиги кузатилди, яъни бир-бирига мос равишда ток илдици ва илдиц олди тупроқларида мавсумий факторларнинг ўзгариши фитонематодалар популяциясида индивидлар сонининг интенсив равишда ортиши ёки аксинча кескин камайишига олиб келиши аниқланди (1-расм).

Олиб борган тадқиқотлар натижасида ток илдици ва илдиц олди тупроғида аниқланган турларнинг динамик кўрсаткичларидаги фарқлар ўсимликнинг физиологик ҳолатига ҳам боғлиқ ҳолда ўзгаради, яъни баҳорнинг март – апрел ойлари, ўсимлик вегетацияси энди бошланган даврга тўғри келади. Бунда тупроқнинг горизонтал қисми, яъни 0-15 см гача бўлган қатламларининг +20°C гача қизиган даврда ўсимлик илдицида ёш сут илдицларининг ҳосил бўлиш жараёнлари тўлиқ намоён бўлмайди, шунингдек, фитонематодалар ҳам тўлиқ анабиоз ҳолатидан чиқмаган бир даврда уларнинг асосий таркиби тупроқнинг горизонтал қисмида (0-15 см) кўпроқ учрайди.

Ёз ойларида келиб тупроқнинг горизонтал қисмида ҳароратнинг + 30°C дан ортиши, намликнинг эса 5% гача пасайиши натижасида ток ризосферасида қайд этилган фитонематодаларнинг турлар хилма-хиллиги ва индивидлар сонини камайиши кузатилади. Бу ўз навбатида, тупроқни юқори қатламларида сувнинг интенсив буғланиб кетиши баробарида фитонематодалар ўз миграцион ҳаракатларини тупроқнинг пастки

катламларига эмас, балки, ўсимлик илдизи томон амалга ошириши билан асосланади.



1 - расм. Ток фитонематодалари фаунаси индивидлар сонининг тупроқ ҳарорати ва намлигига боғлиқ ҳолда ўзгариши (2019-2020 й.й.).

Куз-киш мавсумига келиб тупроқнинг юқори қатламларида (0-30 см) намлик 25-30 % гача ортиши, шунингдек, ўсимликларда вегетацион жадалликнинг пасайиб бориши натижасида фитонематодаларнинг илдиздан тупроққа акс миграцияси кузатилади.

Хулоса қилиб айтганда, тупроқнинг турли қатламларида фитонематодаларнинг йиллик динамикасининг йил фаслларида (баҳор-ёз, куз-киш) боғлиқ ҳолда ўзгариб, баҳор ва ёз мавсумларида нематодалар асосан, тупроқдан илдизларга, куз-киш мавсумларида аксинча илдиздан тупроққа қараб миграция қилиши, фитонематодалар миграцияси учун тупроқ намлиги ва ҳароратнинг ҳамда трофик муҳитнинг старли бўлиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.

Сурхондарё вилояти ток агроценозларида олиб борилган илмий тадқиқотларимиз давомида ўсимлик илдизи ва илдиз олди тупроғида юқори патогенлик хусусиятига эга бўлган, жумладан, *Xiphinema americanum*, *X. elongatum*, *X. index*, *T. brassicae*, *Bitylenchus dubius*, *Helicotylenchus dihystra*, *H. erythrinae*, *H. multincinctus*, *Rotylenchus robustus*, *Pratylenchus pratensis*, *P. tumidiceps*, *P. neglectus*, *Pratylenchoides crenicauda*, *Meloidogyne arenaria*, *M. incognita*, *Paratylenchus amblycephalus*, *P. macrophallus*, *Ditylenchus dipsaci* каби паразит фитонематодалар мавжуд эканлиги қайд этилди.

Олиб борилган тадқиқотлар давомида тажриба – синов натижаларига асосланган ҳолда фитопаразит нематодаларга қарши юқори самарадорликка ҳамда илмий – амалий аҳамиятга эга бўлган ташкилий – профилактик, агротехник, физикавий ва кимёвий қарши кураш усулларидан фойдаланилди.

Қарши курашнинг ташкилий-профилактик усули

Экин экиш учун мўлжалланган агроценозларни тўғри танлай олиш, яъни энг аввало танлаган майдон тупрогидан олинган намуналар устида илмий таҳлилларни олиб бориш зарур. Масалан, *Xiphinema* авлодига мансуб ханжарсимон нематодалар ток агроценозлари учун энг хавfli фитопатогенлар ҳисобланиб, ўсимликларда вирусли касалликларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Энг хавfliси вирусларнинг бир ўсимликдан иккинчи ўсимликка ташилишида бир дона ханжарсимон фитонематоданинг ўзи етарли ҳисобланади. Шунга асосланган ҳолда, ток кўчатлари экилишига мўлжалланган экин майдонларида тупроқ таҳлилни ўтказиб, фитонематодалар популяция зичлигини аниқлаш ва тўғри баҳолаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Бу эса келажакда ушбу майдонларда ток экиш қанчалик самара бериши мумкинлиги ҳақида аниқ хулосани беради.

Ток кўчатларини экиш учун маълум бир майдонларни танлашдан олдин, ушбу агроценозда олдин ҳам ток ёки бошқа турдаги мевали дарактлар экилганлиги, шунингдек, кенг баргли ўт ўсимликлардан-момоқаймоқ (*Taraxacum officinale*) кабиларнинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш лозим. Чунки момоқаймоқлар вирус ташувчи ханжарсимон фитонематодаларни ўзида сакловчи ва тўпловчи резервуар ҳисобланади. Агар момоқаймоқлар экин майдонларида мавжудлиги аниқланган тақдирда ушбу даланинг вируслар билан зарарланганлик эффекти юқориликдан далолат беради. Бу эса ўз навбатида фитопаразит нематодаларнинг кўпайиб кетишини олдини олишнинг энг самарали усулларидан бири яъни далаларни бегона ўтлардан тозалаш ҳисобланади.

Ток кўчатларини етиштиришга иқтисослашган кўчатчилик марказларида санитария-гигиена режимини аниқ режалаштириш ва ушбу қоидага тўлақонли амал қилган ҳолда стерил тупроқларда кўчатларни етиштиришни йўлга қўйиш зарур. Шунингдек, барча боғдорчилик хўжаликлари ва хусусий секторларни айнан инфекциялардан ҳоли бўлган агроценозларда етиштирилаётган кўчатларни олишларини жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ток агроценозларида тўғри суғориш тизимини ишлаб чиқиш лозим бўлиб, бунда томчилатиб суғориш усулини тадбиқ қилиш муҳимдир. Чунки, паразит фитонематодалар учун намлик энг фаол биологик жараёнларни таъминлаб беради. Масалан, ўтрок ҳаёт кечирувчи бўртма нематодалар зарарланган майдонлардан соғлом экин майдонларига кенг тарқалиши мумкин. Шунинг билан бирга зарарланган бегона ўт қолдиқлари ҳам сув (1 м^3 сувда 400-1300 тагача личинкалар) оқими билан бирга фитонематодаларни миграциясини таъминлашда транспорт вазифасини бажариши мумкин. Агарда капилляр суғориш жорий этиладиган бўлса, сув фақат ўсимлик илдиз атрофига қуйилади ва оқибатда фитонематодалар миграцион жадаллиги учун имкониятлар чекланади.

Қишлоқ хўжалигида кенг қўлланиладиган техникалар, асбоб-ускуналар, ишчи ходимларнинг оёқ кийимлари ва ишчи кийимлар бир далада

фойдаланилгандан сўнг тупроқ қолдиқларидан тозаланиб, сўнгра, 5-6 % ли аммиакли селитра ёки натрий хлор эритмаси билан ишлов берилиши муҳимдир.

Ток кўчатларини ўтқозишдан олдин тупроқни юқори ҳароратда қуёш нури таъсирида стериллаш муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Бунда тупроқ бир йил ёзнинг июн-июл ойларида 30-50 см чуқурликда шудғорланади, бироқ суғорилмайди. Мазкур чора-тадбирлар орқали бегона ўт ва фитопаразит нематодалар популяциясининг кескин камайишига эришиш мумкин.

Агротехник қарши кураш усули

Ток оралигидаги тупроқда оптимал намлик бўлган шароитда органик ўғитлар билан ишлов бериш, мавжуд бегона ўт қолдиқларидан тозалаш учун энг самарали тадбирлардан бири ҳисобланади. Бунда бегона ўт қолдиқлари тезда парчаланаяди, шунингдек, тупроқнинг умумий биологик фаоллиги ошиши билан бирга йиртқич кўзиқоринлар ва микроорганизмларнинг фаоллиги ортиши натижасида бегона ўт қолдиқларида ривожланаётган фитопатоген нематода личинкалар улар учун озуқа бўлиб хизмат қилади.

Фитопаразитлар учун хўжайин ўсимликлардан олинган сув экстракти ёрдамида тупроқни провокацион суғориш натижасида анабиоз ҳолатда бўлган паразит личинкаларни фаоллаштириш орқали уларни ўсимлик-хўжайиннинг трофик илдизларини топишга қаратилган мотор фаоллиги орттирилади. Натижада узоқ муддатли ҳаракат фитопаразит танасидаги захира озуқани йўқотилишига сабаб бўлиб, оқибатда личинкалар хўжайин ўсимликни топа олмай нобуд бўлади.

Фитопаразит нематодалар билан экин майдонларига экиш зарурияти туғилганда зарарланган 2 ёшли илдизи ёғочлашган ток кўчатларини экиш мақсадга мувофиқдир. Чунки инвазион личинкалар ёғочлашган мустаҳкам илдизларга кира олмайди.

Ток кўчатлари экилгандан бир йил ўтиб 3 йил давомида қатор ораларига кузги бугдой ва арпа каби ўсимликларни экиш орқали бугдой экилган ток агроценозларида фитопатоген нематода личинкаларининг популяция зичлигини 17-19 % гача, арпа экилган майдонларда 14-15 % гача камайишига эришиш мумкин.

Ток кўчатлари экилгандан бир йил ўтиб 3 йил давомида қатор ораларига кузги бугдой ва арпа каби ўсимликларни экиш орқали бугдой экилган ток агроценозларида фитопатоген нематода личинкалари 17-19 % гача, арпа экилган майдонларда 14-15 % гача камайишига эришиш мумкин.

Ток кўчатлари оралик масофаси одатда ток навига боғлиқ ҳолда 50 см дан (ер ток) 2 м гача (осма ток) экиш тавсия этилади. Бироқ ток оралик масофаси 70 см дан (ер ток) 2,5 м (осма ток) гача масофада экиш инвазион личинкаларнинг бир ўсимликдан иккинчи ўсимликка ўтиш эҳтимolini камайтиради. Масалан, илдиз тугунакли паразит нематодаларнинг миграция масофаси 7-10 см ни ташкил этса, 20-30 см масофа улар учун чекловчи омил

бўлиб хизмат килади. Бу эса уларнинг илдишларга миграциясини камайтиради.

Фитопаразит нематодаларнинг зарарлаш даражасини камайтиришда экин майдонларига органик ва минерал ўғитларни меъёрида солиш ҳамда мунтазам қўллаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, кўчат илдишларини қисқа муддатда ривожлантириш орқали эришиш мумкин.

Физикавий қарши кураш усули

Соляризация усулининг самардорлиги назорат майдони ва видат билан ишлов берилган майдонларни солиштириш орқали ўрганилди.

Ҳар иккала майдонда (соляризация қилинган ва кузатувга олинган назорат майдони) ҳам максимал ҳароратга боғлиқ ҳолда, тупроқнинг 10 см чуқурликдаги ҳарорати 56-45°C, 20 см -47-39°C, 30 см -35-29°C атрофида бўлади.

Олинган натижаларга кўра, сентябр ойининг 25 санасига келиб соляризация қилинган майдонда *Meloidogyne* spp. нинг инвазион личинкалар сони кескин камайган, бироқ кузатувга олинган назорат майдонида эса илдиз бўртма нематодаларининг сони кескин ортганлигини кўриш мумкин.

Тажриба натижаларига кўра, видат препарати билан ишлов берилган майдондаги ток кўчатлари илдизда мелойдогиноз аломатлари қайд этилмади ва ҳосилдорлик ўртача 9,9 % га ошиб, самарадорлик кўрсаткичи эса 91,4 % ни ташкил этди. Шунингдек, соляризация қилинган майдондаги кўчатлар илдизи кўздан кечирилганда деярли барчасида видат билан ишлов берилган кўчатлар каби соғлом кўринишга эга эканлиги аниқланди. Ҳосилдорлик 10 % га ошиб, самарадорлик кўрсаткичи эса 91,6 % ни ташкил этди.

Шунингдек, кейинги тажрибалар куйидагича амалга оширилди: дастлаб 10 м² ли учта экин майдони танлаб олиниб, иккита майдон шудгорланди ва бири қора плёнка ёрдамида ёпиб қуёш нурида нурлантирилган бўлса, иккинчи майдон оқ плёнка ёрдамида нурлантирилди. Учтинчи майдонга эса умуман ишлов берилмади яъни назорат майдони сифатида қолдирилди. Ўз навбатида барча майдонларда суғориш ишлари амалга оширилмади. Биринчи шудгорлаш июн ойининг 15 санасида 40 см чуқурликда амалга оширилди ва бу жараён ҳар 20 кун оралиғи билан яъни июл ойининг 5 ҳамда 25 саналарида қайта икки марта такрорланди. Тажриба ўтказилган вақтдаги ҳарорат 45-50°C ни ташкил этди (1-жадвал).

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, биринчи шудгорлашдан кейин қора плёнка қопланган майдонда илдиз бўртма нематода личинкалари сони 3 мартага, иккинчисида 10 марта, учинчисидан кейин эса фақат 109 та личинка қайд этилиб, ҳосилдорлик 10 % ни, самарадорлик 91,6 % ни ташкил этди. Соляризация қўлланилган оқ плёнка қопланган майдонда эса биринчи шудгордан кейин 3 мартагача, иккинчисида 5 мартагача, учинчисидан кейин фақат 167 та личинка сақланиб қолганлиги аниқланилиб, 7 % ҳосилдорлик, 88,8 % самарадорликка эришилди.

Кузатувдаги назорат майдонида эса илдиз бўртма нематода популяциясининг ўсиб борганлиги кузатилиб, самарадорлик 0 % ни ташкил этди.

1-жадвал

Қора плёнкали ва оқ плёнкали соляризациянинг илдиз бўртма нематода популяциясига таъсири

Вариантлар		Мелойдогин личинкаларини санаш даврлари				Самарадорлик, *** %
		шудгор килишдан олдин	биринчи шудгор- дан кейин	иккинчи шудгордан кейин	учинчи шудгор- дан кейин	
Соляризация	Қора плёнкали	1300*	382	136	109	91,6
	Оқ плёнкали	1300*	470	257	167	88,8
Кузатувдаги назорат майдони		1300*	1788	2053	2205	-

Эслатма: * - илдиз бўртма нематодаларининг личинкалар сони.

** - самарадорлик тупроқдаги личинкалар сонига қараб аниқланади.

Кимёвий қарши кураш усули

2020-2021 йиллар давомида Сурхондарё вилояти Термиз тумани “Шерали-Намуна”, “Салоҳиддин Анвар” ва “Нуриддин Термизий” фермер хўжаликлари ток агроценозида *Meloidogyne* авлодига мансуб илдиз бўртма нематодаларини популяцияларига қарши тажриба - синов ишлари амалга оширилди.

Мазкур тажриба - синовида асосан, биринчи кичик майдонга видат, иккинчисига эса ЭЗО нематодидлари асосида ишлов берилиб, учинчи тажриба майдони кузатувдаги ишлов берилмаган назорат майдон ҳисобланади.

Тажриба майдонларида видат препарати 3 хил миқдорда қўлланилди: бунда инвазион фонда илдиз бўртма нематодаларининг личинкалари тажриба майдонидаги ҳар 100 см³ тупроқда ўртача 1300 нусхани ташкил қилди.

Мазкур тажриба биринчи кичик майдонда (10м²) 100 см³ тупроққа 50 мл/м² миқдоридида видат препаратини қўллаш орқали амалга оширилган бўлса, иккинчи тажриба майдонида 70 мл/м², учинчисига эса 90 мл/м² миқдорда видат препарати қўлланилиб, 15 кун давомида ушбу майдонлар кузатилди.

Тажриба-синовидида биринчи кичик майдонида (50 мл/м²) видат препарати қўлланилгандан кейинги олинган натижаларга қўра, илдиз бўртма нематодаларининг инвазион личинкалари сони ҳар 100 см³ тупроқда 126 тага камайиб, ток илдизининг ушбу фитопаразитлар орқали зарарланишининг ўртача даражаси 1,2 бални ташкил этган бўлса, видатнинг самарадорлик

кўрсаткичи эса 90,3 % ни ташкил этиб, ҳосилдорлик 8,8 % га ошганлиги қайд этилди. Иккинчи тажриба-синов майдонида (70 мл/м²) ток илдизининг зарарланиш даражаси 1,0 бални ташкил қилиб, видатнинг самарадорлик кўрсаткичи 90,6 %, ҳосилдорлик 9,1 % га ошган бўлса, учинчи тажриба-синов майдонида видат (90 мл/м²) қўлланилганида ўсимлик илдизининг зарарланиш даражаси 0,7 балл, самарадорлик 91,4 %, ҳосилдорлик 9,9 % ни ташкил этди.

Тажриба давомида дастлабки иккита кичик майдонда кўчатларининг ёш ва назик илдизчаларида майда бўртмалар топилган бўлса, видат препарати қўлланилган 3 кичик майдонда эса ўсимлик илдизида бўртма нематодалари билан зарарланиш аломатлари кузатилмади.

Тадқиқотлар давомида фитопаразитларга қарши иккинчи кимёвий препарат сифатида ҳозирги кунда Ўзбекистон шароитида кенг қўлланилиб келинаётган ЭЗО препаратидан фойдаланилди. ЭЗО иссиқхона шароитида кўчат экишдан 10-15 кун олдин гектарига 60 кг миқдорда қўлланилади.

Мазкур тажриба-синов ишида ёш ток кўчатларининг қатор ораликларига ЭЗО препарати 100 см³ тупроққа 6 г миқдорда илдиз бўртма нематодаларининг инвазион личинкаларига қарши қўлланилди ва 15 кун давомида назорат қилиб борилди. Шундан сўнг, ушбу тажриба-синов майдонидан олинган илдиз ва тупроқ намуналари таҳлили натижаларига кўра 100 см³ тупроқда ЭЗО ни қўллашдан олдинги инвазион фонда личинкалар сони 1300 тани ташкил қилган бўлса, тажрибадан сўнг личинкалар сони 135 тагача камайиб, ўсимлик илдизининг зарарланиш даражаси 1,5 бални ҳамда самарадорлик кўрсаткичи эса 89,6 % ни ташкил этиб, ҳосилдорлик 8,1 % га ошганлиги қайд этилди (2-жадвал).

2-жадвал

Ёш ток кўчатлари илдизидаги бўртма нематодаларига қарши нематоцидларни қўллаш самарадорлиги

Тажриба майдонлар	Препаратни қўллаш миқдори мл/м ²	100 см ³ тупроқда популяция зичлиги		Ўсимлик илдизининг зарарланишнинг ўртача кўрсаткичи	ТКК*	Самарадорлик, **%
		Препаратни қўллашдан олдин	Препаратни қўллашдан кейин			
Видат	50	1300	126	1,2	0,10	90,3
	70	1300	122	1,0	0,09	90,6
	90	1300	111	0,7	0,08	91,4
ЭЗО	60 кг/гек.	1300	135	1,5	0,02	89,6
Кузатувдаги назорат майдони	-	1300	2138	3,8	1,64	-

Эслатма: * - кўпайтириш коэффициенти: тупроқдаги личинкаларнинг охириги сонини бошланғич сонига бўлиш йўли билан ҳисобланади.

** - самарадорлик тупроқдаги личинкалар сонига қараб ҳисобланади

Шунингдек, кузатувга олинган аммо ишлов берилмаган тажриба-синов майдонларида ёш ток кўчатларининг илдиз бўртма нематодалари билан зарарланиш даражаси 3,8 балли ташкил этиб, самарадорлик кўрсаткичи эса 0 % бўлганлиги қайд этилди. Бунга асосий сабаб ишлов берилмаган кузатувдаги назорат майдонида дастлаб назоратга олинган вақтда ҳар 100 см³ тупроқда личинкалар сони 1300 тани ташкил қилган бўлса, ушбу майдонда мавжуд фитопаразитларга қарши чора-тадбирларининг қўлланилмаганлиги сабабли тупроқда инвазион личинкалар сони 2138 тага кўпайгани кузатилди.

Олиб борилган тажриба натижалари шуни кўрсатдики, тупроққа видатни 50-70-90 мл/м² миқдориди солиниши ток кўчатларини илдиз бўртма нематодалари билан зарарланишини сезиларли даражада камайтириб, самарадорлик кўрсаткичини 90,3-91,4 % гача етишига ҳамда ҳосилдорликнинг ўртача 7-10 % олиб келди ҳамда соғлом ток кўчатларининг сонини ошишига сабаб бўлди.

ХУЛОСАЛАР

1. Сурхондарё ҳудуди ток агроценозларида 118 тур фитонематодалар қайд этилиб, улар 2 та кенжа синф, 9 та туркум, 13 та кенжа туркум, 20 та катта оила, 33 та оила, 39 та кенжа оила ва 54 та авлодга мансублиги аниқланди.

2. Аниқланган фитонематодалардан 45 тури Ўзбекистон шароитида ток агроценозлари нематодалар фаунаси учун илк бор қайд этилди.

3. Tylenchida, Teratocephalida, Dorylaimida ва Aphelenchida туркумлари турлар хилма-хиллиги билан устунлик қилган бўлса, Tylenchida, Teratocephalida, Aphelenchida туркумларига мансуб фитонематодалар индивидлар сонининг кўплиги билан доминант эканлиги маълум бўлди.

4. Ток агроценозида топилган фитонематодаларнинг 84 тури ўсимлик илдизида, 118 тури эса илдиз олди тупроғида қайд этилди. Шунингдек, ток илдизи ва илдиз олди тупроқ учун 84 тур фитонематодалар умумий эканлиги аниқланди.

5. Ток агроценозлари фитонематодалар популяциясида турларнинг барқарорлик частотаси Tichleg шкаласига асосланган ҳолда баҳоланиб, унга кўра, 66 (55,9 %) тури тасодикий, 52 (44,1 %) турга мансуб фитонематодалар бекарор турлар гуруҳига киритилди ҳамда доимий ва мутлак доимий бўлган турлар аниқланмади.

6. Ток ўсимлиги илдизи ва илдиз олди тупроғида қайд этилган фитонематодалар учраш даражасига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратилди: субдоминантлар - 10 тур, рецидентлар - 13 тур, субрецидентлар - 95 турни ташкил этиб, эудоминант ва доминант турлар қайд этилмади.

7. Экологик классификацияга кўра, ток илдизи ва илдиз олди тупроғида қайд этилган фитонематодалар: паразитобионтлар-29 тур, зусапобионтлар-11 тур, девисапобионтлар-29 тур, махсус касаллик келтириб чиқармайдиган фитогельминтлар (потенциал паразитлар)-30 тур, махсус касаллик келтириб чиқарадиган фитогельминтлар (ҳақиқий паразитлар)-19 турни ташкил этди.

8. Экологик гуруҳлар орасида тур ва индивидлар сонининг кўплиги жиҳатидан потенциал паразитлар биринчи ўринни, параризобионтлар ҳамда девисапробионтлар иккинчи, ҳақиқий паразитлар учинчи ўринда турган бўлса, эусапробионтлар энг кам сонда учраганлиги қайд этилди.

9. Ток агроценозлари нематодалар фаунасида тур ва индивидларни учраш коэффицентининг мавсумий тебранишлари ўсимлик вегетацияси давомида ўзгариб, сезиларли ўзгаришлар баҳор мавсумига тўғри келиб, нематодалар популяциясини ортишида абиотик ҳамда трофик омилларнинг оптимал бўлиши муҳим ўрин тутди.

10. Ток агроценозлари нематодалар фаунасининг синдинамик таҳлил натижаларига кўра, ўсимлик илдизи ва илдиз олди тупроғида 12 турга мансуб ҳақиқий паразит нематодалар қайд этилиб, улардан *Helicotylenchus dihystra*, *Pratylenchus pratensis*, *Ditylenchus dipsaci* лар индивидлар сонининг кўплиги билан устунлик қилган бўлса, *Pratylenchus pratensis*, *P. neglectus*, *Ditylenchus dipsaci*, *Helicotylenchus dihystra*, *H. multicinctus*, *Bitylenchus dubius*, *Tylenchorhynchus brassicae* каби фитопатогенлар кенг тарқалиш ареалига эга, қолган фитопаразитлар эса энг кам популяция зичлигига эга турлар сифатида қайд этилди.

11. Ўсимлик илдизида иқтисодий муҳим бўлган фитопаразит нематодалардан *Meloidogyne arenaria* ва *M. incognita* ва *Ditylenchus dipsaci* лар вилоятнинг узумчиликка ихтисослашган қатор туманлари ток агроценозларида қайд этилди.

12. Қишлоқ хўжалиги экинлари учун муҳим иқтисодий зарар келтирувчи фитопаразит нематодалар-*Meloidogyne arenaria*, *M. incognita*, *Ditylenchus dipsaci*, *Xiphinema americanum*, *X. elongatum*, *X. index* фитопатогенларга қарши ташкилий-профилактик, агротехник, физикавий ҳамда кимёвий уйғунлашган қарши кураш чоралари ишлаб чиқилиб амалиётга тавсия жорий этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ РnD.03/30.06.2021.В.05.06 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕН ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

БОБОКЕЛДИЕВА ЛОБАР АБДУСАМАТОВНА

**ЭКОЛОГО-ФАУНИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ
ФИТОНЕМАТОД ВИНОГРАДНЫХ АГРОЦЕНОЗОВ
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ**

03.00.06 – Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РnD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.3.PhD/В360.

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.zoology.uz) и в Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Хуррамов Алишер Шукурович
доктор биологических наук, доцент

Официальные оппоненты: Эшова Холиса Саидовна
доктор биологических наук, доцент

Ганиев Комолиддин Халилович
кандидат биологических наук, доцент


Ведущая организация: Ташкентский государственный педагогический университет


Защита диссертации состоится « 16 - 03 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.06.2021.В.05.06 при Ферганском государственном университете. Адрес: 712000, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (+99873) 244-29-71, факс: (+99873) 244-44-93, электронная почта: fardu_info@umail.uz.


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (зарегистрирован под 157). Адрес: 712000, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (99873) 244-29-71, факс: (+99873) 244-44-93.

Автореферат диссертации разослан « 4 » 03 2022 г.
(реестр протокола рассылки № 1 от « 4 » 03 2022 г.)




И. И. Зокиров
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степен, д.б.н.,
доцент


Ш.К. Юлдашева
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степен,
к.б.н., доцент


А. К. Хусанов
Председатель научного семинара
при Научном совете по
присуждению ученых степен, д.б.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. К числу актуальных вопросов относится расширение производства сельскохозяйственной продукции в мире, обеспечение безопасности культур, в частности, защита от различных вредителей и болезней, выявление организмов, наносящих им значительный ущерб. Особенно спрос на высокой продуктивности продуктов питания, качественные и экспортные фруктовая продукция растет день ото дня. В результате воздействия на сады опасных вредителей снижаются экспортоспособность, качество и урожайность продукции, что наносит экономический ущерб плодовым хозяйствам. Соответственно, важно выявить фаунистический комплекс фитонематод, вызывающих резкому снижению продуктивности или полученных урожая не соответствующих к требованиям потребления, проанализировать плотность их популяции на разных этапах вегетации растений и разработать перспективные меры борьбы на основе биоэкологических особенностей доминирующих видов фитопаразитов, имеет важное научное и практическое значение.

В мировом масштабе проводятся обширные исследования по борьбе с вредителями при выращивании сельскохозяйственных культур. В связи с этим расширяются масштабы исследований отрицательного влияния паразитических нематод на плодовые деревья, различные культурные ценозы, в том числе и на виноградные агроценозы. В результате раскрывается их жизнеспособность в разных почвенно-климатических условиях. В связи с этим изучение фауны фитонематод, выявление болезней растений, оценка ущерба и разработка эффективных мер борьбы с фитопатогенами имеют большое научное и практическое значение при создании фруктовых садов.

В нашей республике особое внимание уделяется вредителям, встречающиеся в садовых агроценозах, в том числе определение видового состава фитонематод, также разработке мероприятий по борьбе с вредными видами. В связи с этим, в частности, были проведены инвентаризация фитогельминтофауны виноградных агроценозов по регионам и улучшен меры борьбы с паразитическими видами. В Стратегии развития нового Узбекистана² определены важные задачи, как «...создание новых сортов плодов, винограда и ягод, устойчивых к болезням и вредителям, а также к засухе». На основе этих задач, в частности, выявление фаунистического комплекса фитонематод виноградных агроценозов, анализ распространения паразитических видов фитонематод, встречающихся в виноградных агроценозах, выявление анатомо-морфологических особенностей фитонематод, также разработка интегрированных методов борьбы с паразитическими фитонематодами, зарегистрированными на растениях винограда имеет большое научное и практическое значение.

² Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-60 от 28 января 2022 года «В Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» // Собрание законодательства Республики Узбекистан

